

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ  
ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ  
А Ж Р И М И

2023 йил ноябрь ойининг 16 куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, Олий суд биносида, видеоконференцалоқа режимида ўтказилган очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи: судья Б.Исламов,

ҳайъат аъзолари: судьялар Г.Мирзаева ва Ф.Турсуновдан иборат таркибда, Н.Хамраевнинг котиблигида, тарафларнинг иштирокида,

даъвогар АААнинг жавобгар АААга нисбатан ҳоким қарорини ҳамда ер участкага бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш, фойдаланилмасдан турган бўш ер майдонини туман ҳокимлиги захира ерлари фонди ҳисобига қайтариш ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг 2023 йил 18 январдаги ҳал қилув қарори ва Самарқанд вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 13 апрелдаги ажримига нисбатан жавобгар ААА томонидан берилган кассация шикоятини фуқаролик иши ҳужжатлари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар ААА судга жавобгар АААга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат этиб, ААА туман ҳокимининг 2019 йил 28 сентябрдаги “ААА тумани, ААА, ААА маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан “ААА” комплекси қуриш учун ер танлаш ва ажратиш тўғрисида”ги 3130-Қ-сонли қарори ҳамда доимий фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилишни ва фойдаланилмасдан турган 0.02 гектар бўш ер майдонини туман ҳокимлиги захира ерлари фонди ҳисобига қайтаришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг 2023 йил 18 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилган.

Унга кўра, жавобгар ААА томонидан ААА тумани, ААА, “ААА” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан “ААА” комплекси қуриш учун ажратилган 0,02 га ер майдонини ААА захира ерлар фонди ҳисобига қайтариш;

-жавобгар АААдан ААА ҳисобига 21.000 сўм почта харажати ва давлат фойдасига 600.000 сўм давлат божи ундирилиши белгиланган.

Самарқанд вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 13 апрелдаги ажрими билан ушбу ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Шикоятда, суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юбориш сўралган.

Судлов ҳайъати иш бўйича маърузани, тарафларнинг тушунтиришларини тинглаб, шикоят важларини иш ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, қуйидагиларга кўра суд қарорларини бекор қилиб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни рад қилишни лозим топди.

Иш ҳужжатларига кўра, ААА туман ҳокимининг 2019 йил 28 сентябрдаги “ААА тумани, ААА, ААА маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан “ААА” комплекси қуриш учун ер танлаш ва ажратиш тўғрисида”ги 3130-Қ-сонли қарори билан тумандаги ААА, ААА маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган туман ҳокимлиги захира ерлар ҳисобидан АААга “ААА” комплекси қуриш учун жами 0,02 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган жамоат ҳовлилар ўрнига ер майдони доимий фойдаланишга танланган ва ажратилган.

Ушбу қарорнинг 3-бандига кўра, АААга зиммасига “ААА” комплекси қуриш учун лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда вилоят Архитектура ва қурилиш бошқармаси билан келишиш, лойиҳани экспертизадан ўтказиш ва Давлат архитектура ва қурилиш бошқармаси билан келишиш ҳамда “ААА” комплекси қуриш учун белгиланган Шаҳарсозлик талаблари ҳамда келишилган лойиҳа смета ҳужжатлари асосида белгиланган муддатда қуриш вазифаси юклатилган.

“Ёшлар-келажагимиз” давлат дастури доирасида ААА туманида ташкил этиладиган АААни ишга туширилиши тўғрисида тизимли тармоқ жадвалида 2020 йил декабрь ойида “ААА”ни ишга тушириш ва 7 нафар иш ўрнини яратиш белгиланган.

Кадастр агентлигининг Самарқанд вилоят бошқармаси ААА туман бўлими томонидан АААга “ААА” комплекси қуриш учун ажратилган 0.02 гектар фойдаланилмасдан келинган ер майдонини туман ҳокимлиги захира ерлар фонди ҳисобига қайтарилиши лозимлиги тўғрисида 2022 йил 19 апрелда 01/70-22-сонли огоҳлантириш хати юборилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Самарқанд вилоят бошқармаси ААА туман бўлими томонидан АААга АААга “ААА” комплекси қуриш учун ажратилган 0.02 гектар фойдаланилмасдан келинган ер майдонини туман ҳокимлиги захира ерлар фонди ҳисобига қайтарилиши тўғрисида 2022 йил 20 апрелдаги 01/41-22-сонли тақдимнома киритилган.

Шунга кўра, даъвогар ААА томонидан жавобгар АААга нисбатан ҳоким қарорини ҳамда ер участкага бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш, фойдаланилмасдан турган 0.02 гектар бўш ер майдонини туман ҳокимлиги захира ерлари фонди ҳисобига қайтариш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилинган.

Биринчи инстанция суди иш ҳолатларидан ҳамда Ер кодексининг 36, 38-моддалари талабларидан келиб чиқиб, жавобгар ААА томонидан унга ажратилган ер майдонларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиб келганлиги, 2019 йилдан буён ер майдонида қурилиш ишларини амалга оширмаганлигини ва ўзига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлигини инобатга олиб, даъво талабини қаноатлантириш хусусида тўхтамга келган.

Апелляция инстанцияси ишни кўраётганда суд ҳужжатларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириши, янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши ҳамда суд ҳужжатини тўлиқ ҳажмда текшириб чиқиши шарт бўлса-да, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тўлиқ ва ҳар тарафлама аниқламасдан, тарафларнинг важларини синчковлик билан текширмасдан, суд хулосалари билан келишган ҳолда ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Судлов ҳайъати қуйи инстанция судларининг хулосалари билан қуйидагиларга кўра келишмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 12-сонли қарорининг 3 ва 4-бандларига мувофиқ, ҳал қилув қарори, у процессуал ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилинган ҳолда ва ушбу ҳуқуқий муносабатга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган моддий ҳуқуқ нормаларига мос равишда қабул қилинган, зарур ҳолларда қонун ўхшашлиги ёки ҳуқуқ ўхшашлигини қўллашга асосланган бўлсагина, қонуний ҳисобланади. Судларга тушунтирилсинки, ҳал қилув қарори, унда иш учун аҳамиятга эга бўлган фактлар, суд томонидан текширилган далиллар билан тасдиқланган, уларнинг алоқадорлиги ва мақбуллиги қонун талабларига жавоб берадиган ёки суд ҳаммага маълум деб топган, исботлашга муҳтож бўлмаган ҳолатлар, шунингдек, аниқланган фактлардан келиб чиқадиган яқуний хулосалар акс эттирилганда, асослантирилган ҳисобланади.

Жумладан, судлар даъвони қаноатлантиришда ААА туман ҳокимининг 2019 йил 28 сентябрдаги 3130-Қ-сонли қарори билан ААА тумани, ААА, ААА маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан “ААА” комплекси қуриш учун жавобгар АААга ажратилган 0.02 гектар ер майдонларидан жавобгар мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиб келганлиги, 2019 йилдан буён ер майдонида қурилиш ишларини амалга оширмаганлиги ва юклатилган мажбуриятларни бажармаганлигига асосланган.

Бироқ, судларнинг аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар исботланмаган ва ажримда баён этилган хулосалар иш ҳолатларига мос келмайди.

Чунончи, Ер кодексининг 36-моддаси 1-қисми 10-бандига кўра, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун берилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида, бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи бекор қилинади.

Кодекснинг 38-моддасига кўра, ушбу Кодекс 36-моддаси биринчи қисмининг 6-11-бандларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек ер тўғрисидаги қонунчилик бузилган бошқа ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини

амалга оширувчи орган ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини олдиндан огоҳлантирганидан кейин туман, шаҳар ҳокимига ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома киритади. Туман, шаҳар ҳокими тақдимнома асосида бир ойлик муддатда уни олиб қўйиш ҳақида судга даъво аризаси киритади. Туман, шаҳар ҳокими, зарур ҳолларда, ер участкасининг ҳолатини ҳамда ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи томонидан ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг сифатини қўшимча равишда текширишни тайинлашга ҳақли.

Иш ҳолатига кўра, ААА туман ҳокимининг 2019 йил 28 сентябрдаги 3130-Қ-сонли қарори билан АААга “ААА” комплекси қуриш учун жами 0,02 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган жамоат ҳовлилар ўрнига ер майдони ажратилган бўлиб, ушбу қарорнинг 3-бандида, АААга зиммасига “ААА” комплекси қуриш учун лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда вилоят Архитектура ва қурилиш бошқармаси билан келишиш, лойиҳани экспертизадан ўтказиш ва Давлат архитектура ва қурилиш бошқармаси билан келишиш ҳамда “ААА” комплекси қуриш учун белгиланган Шаҳарсозлик талаблари ҳамда келишилган лойиҳа смета ҳужжатлари асосида белгиланган муддатда қуриш вазифаси юклатилган.

Жавобгар томонидан судга тақдим этилган ҳужжатларга қараганда, жавобгар ААА “ААА” комплексининг архитектура-режалаштириш топшириғи ва лойиҳа ҳужжатлари Самарқанд вилоят қурилиш бошқармаси томонидан 2020 йил 10 февралда тасдиқланган. Эксперт хулосаси эса 2020 йил 12 майда берилган.

Жавобгар ААА кассация шикоятини ва суд мажлисидаги тушунтиришида, бинонинг лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрланиши кечикканлигини, ҳужжатлар тайёрланиб қурилиш ишлари бошланганда ҳокимият масъулларининг топшириғи билан фундамент учун қазилган чуқурлик кумиб ташланганлигини, бундан ташқари, 2020 йил март ойидан сўнг пандемия муносабати билан ишлар тўхтаб қолганлигини баён қилди.

Судлов ҳайъати мазкур ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериб, АААга ер майдони ажратиш ҳақидаги қарорнинг 3-бандида, АААга зиммасига “ААА” комплекси қуриш учун лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда вилоят Архитектура ва қурилиш бошқармаси билан келишиш, лойиҳани экспертизадан ўтказиш ва Давлат архитектура ва қурилиш бошқармаси билан келишиш ҳамда “ААА” комплекси қуриш учун белгиланган Шаҳарсозлик талаблари ҳамда келишилган лойиҳа смета ҳужжатлари асосида белгиланган муддатда қуриш вазифаси юклатилган бўлиб, ушбу ҳужжатларни тайёрлаш ва тасдиқланиши бир мунча вақт талаб қилади. Қолаверса, ушбу ҳужжатларни тасдиқланиши жавобгар АААга ҳам боғлиқ эмас.

Демак, бундай ҳолатда жавобгар ААА “ААА” комплекси қуриш учун ўзига ажратилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаган деб ҳисоблаб бўлмади.

Шунингдек, қайд этилганидек, Кадастр агентлигининг Самарқанд вилоят бошқармаси ААА туман бўлими томонидан АААга АААга “ААА” комплекси қуриш учун ажратилган 0.02 гектар фойдаланилмасдан келинган ер майдонини туман ҳокимлиги захира ерлар фонди ҳисобига қайтарилиши тўғрисида 2022 йил 20 апрелдаги 01/41-22-сонли тақдимнома киритилган бўлса-да, ҳокимлик томонидан тақдимнома асосида бир ойлик муддатда ер майдонини олиб қўйиш ҳақида судга даъво аризаси киритилмаган.

Шунингдек, ҳокимлик томонидан судга даъво аризаси киритилган вақт (2022 йил 26 ноябрь)да ер участкасининг ҳолатини ҳамда ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи томонидан ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган чоратадбирларнинг сифатини қўшимча равишда текшириш чораларини кўрмаган.

Чунки, шу вақтга қадар жавобгар томонидан “ААА” комплексининг ертўла, 1 ва 2-қаватлари қуриб битказилган.

Судлар эса низони ҳал этишда иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тўлиқ ва ҳар тарафлама аниқламаган.

Бундай ҳолатда суд қарорларини қонуний, асосли ва адолатли деб бўлмади.

Амалдаги қонун (ФК 9-моддаси) талабига кўра, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади.

Фуқаролар ва юридик шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий тамойиллари ва ахлоқий нормаларини ҳурмат қилишлари, тадбиркорлар эса - иш одоби қоидаларига ҳам риоя этишлари керак.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа шахсга зарар етказишга, бошқача шаклларда ҳуқуқни суистеъмол қилишга, шунингдек ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига йўл қўйилмайди.

ФПКнинг 419-моддаси 2-бандига кўра, кассация инстанциясининг суди кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни тўлиқ ёхуд қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юбормасдан янги ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор қабул қилишга ҳақли.

Шундай экан, судлов ҳайъати шикоятда келтирилган важларни асосли деб ҳисоблаб, суд қарорларини бекор қилиб, даъвогарнинг даъво талабини рад қилиш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилишни, кассация шикоятини қаноатлантиришни лозим топди.

Шу билан биргаликда, судлов ҳайъати видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланилганлик учун даъвогар АААдан Олий суд депозит ҳисоб рақамига 82.500 сўм суд харажати ундиришни лозим топади.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 419-моддасига қўлланиб, судлов ҳайъати

## А Ж Р И М      Қ И Л Д И :

Мазкур иш юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг 2023 йил 18 январдаги ҳал қилув қарори ва Самарқанд вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 13 апрелдаги ажрими бекор қилинсин ва қуйидаги мазмунда янги ҳал қилув қарори қабул қилинсин:

Даъвогар АААнинг жавобгар АААга нисбатан ҳоким қарорини ҳамда ер участкага бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш, фойдаланилмасдан турган бўш ер майдонини туман ҳокимлиги захира ерлари фонди ҳисобига қайтариш ҳақидаги даъво талабларини қаноатлантириш рад этилсин.

Даъвогар АААдан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозит ҳисоб рақамига (олувчи: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, манзили: 100186, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй, шахсий ҳисоб варағи: 401410860262777033210011001, СТИР: 200936561, ғазна ҳисоб рақами: 23402000300100001010, банк: МБ ББ ҲККМ Тошкент шаҳри, МФО: 00014, СТИР (ғазна): 201122919 реквизитлари бўйича) суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ тўлов сифатида 82.500 сўм ундирилсин.

Кассация шикоятни қаноатлантирилсин.

Раислик этувчи:

Б.Исламов

Ҳайъат аъзолари:

Г.Мирзаева

Ф.Турсунов

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”